



**Президентимизнинг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланганидек, миллий ва халқаро ахборот тармоқларига го'ят тезкорлик билан кириб боришни жорий этиш аҳоли пунктлари, шу жумладан, қишлоқ аҳоли масканларининг уларга кириб боришни таъминлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади.**

Ана шу ҳужжатлар асосида «Қорақалпоқтелеком» бирлашмаси ва унинг жойлардаги бўлимлари тармоқларида бир мунча ишлар амалга оширилмоқда. Бирлашмада телекоммуникация инфратузилмасини кенгайтириш, абонентлар сонини кўпайтириш, АТСлар қувватини ошириш ва хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш дастури ишлаб чиқилган. Республика ҳудудида 228 километри оддий, 408 километри Япония мамлакатидан кредит ҳисобидан қурилган ишчи кабеллар бор. Эндиликда шимолда жойлашган Мўйноқ, Кегайли, Чимбой, Кўнғирот овуллари ва жанубдаги Мангит шаҳарчасидан туриб дунё-

## ОРОЛБЎЙИ ДУНЁ БИЛАН СЎЗЛАШЯПТИ

нинг ҳамма мамлакатлари билан боғланиш мумкин. Бошқарма жамоасининг хорижий ҳамкорлари билан биргаликда иш олиб бораётганлиги туфайли аҳоли оддий усулдан рақамли, станцияларро тизимларга ўтиш, АТСларда вақтбай ҳақ тўлашни жорий этиш, интеллектуал хизматлар тақдим этиладиган рақамли тармоқни интеграллаш, тўловларни жойларнинг ўзида расмийлаштириш, тиркама абонентлик концентраторларни ривожлан-

тиш тақсофон хизматлари тармоғини кенгайтириш чора-тадбирлари кўриляпти. Кейинги икки йилда маҳалла ва овуллар, шаҳар ва туман марказлари, турар жой ва саноат иншоотларини телефонлаштириш бўйича муайян ишлар қилинди. Хўжайли туман телекоммуникация тармоғига қарашли 1700 абонентга мўлжалланган 14 станция фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 123 та хонадон телефонлаштирилди.

шаҳарлараро ва халқаро алоқа йўлга қўйилди. Оролбўйининг Чимбой, Кегайли, Нукус, Эликқалъа, Қонликўл, Беруний, Тўрткўл, Амударё, Шуманай каби туманларида алоқа хизмати яхшиланмоқда. Иш бевуви билан тўзилган жамоа шартномалари асосида ходимлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирил- япти. Ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик иш маоши 60-65 минг сўми ташкил этади. Телефон алоқаси-

нинг узлуксиз ишлаши ер остидан ўтган кабелларнинг бевуқсон ҳаракатига боғлиқ. Бироқ айрим ҳолларда эҳтиёсизлик туфайли кабелларнинг узилишига йўл қўйилмапти. «Ўзбекистон темир йўллари» ақциядорлик компаниясига қарашли 406-маҳсус механизацияланган корхона ишчилари томонидан ер қазиш жараёнида шаҳарлараро кабел узилиб, 973 минг 832 сўм зиён келтирилган. Беруний туманидаги «Абдуллаев Ражаббой» фермер хўжалик ишчиларининг эҳтиёсизлиги кабел узилиш ва 365 минг 342 сўм зарар келтиришга сабаб бўлди. Нукус шаҳрида яшовчи фуқаролар С.Арисов ва Қ.Нақилбоев 240 минг сўм турадиган 6 та кабел ўрамини ўғирлаб кетишган.

**И.ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири**

### Бор бўл, оқибат! МЕХР КУНДА КЕРАК

«Мехр-шафқат ва саломатлик» жамғирмаси Ғузор тумани бўлими ташкил тоғганига эндигина икки йилдан ошган бўлса-да, жамоа қисқа вақт ичида кўпгина меҳр талаб қил- ларга маълум бўлди. Жамғирма фаолияти асосан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, етим-осир болалар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ўзгалар парварishiга муҳтож бўлганларга қўмақ беришдан иборат.

Ўтган икки йилда 47 нафар муҳтож оила фарзандларига суннат тўйлари ўтказилиб, кўзи оғиз ногиронларга кўзойнақлар тарқатилди. Шунингдек, беморларга бепул дори-дармонлар берилди.

Бундай хайрли ишлардан «Ногиронлар» жамияти туман бўлими ҳам четда қолгани йўқ. Жорий йил бошидан ногиронларга 3 дона аравача, санаторийларга 5 та йўланма, оёқ кийим, 80 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, қўлтиктаёқ, дори-дармонлар улашди.

Мирзо Турсунзода маҳалласида истиқомат қилаётган Баратовлар хонадонига ногиронлик аравачаси берилганида I гуруҳ ногирони ва хонадондагиларнинг қувончи янада ошди. Улмасой Бердиёрова, Лобар Холиева, Карим Мўминов, Мохинисо Курбонова, Шохдор Элмуродов сингарилар ҳам бундай саво- ваддан баҳраманд бўлишди.

Ногиронларни қўллаб-қувватлашда асосан 93-Қарши маҳсус монтаж шубба корхонаси, «Шўртангазкимё» мажмуаси қўмағи катта бўляпти, - дейди туман «Ногиронлар» жамияти раиси Абдурашид Муҳиддинов.

**Ш.СУЛТОНОВ, «Ишонч» мухбири**



### ФИДОКОРОНА МЕХНАТ САМАРАСИ

Жаркўрғон тумани пиллакорлари мамлакатда биринчи бўлиб пилла тайёрлаш шартнома-мажбуриятини бажарди. Қабул пунктларида 121,5 тонна сифатли «кумуш тола» етказиб берилди. Ҳар қўти курт уруғидан ўртача 52 килограммдан ҳосил олинди. Бу галабада Тўхта Шобуров, Алишер Навоий номидаги ширкат хўжаликлари ҳамда «Сурхон» тажриба фермер хўжаликлари уюшмаси пиллакорларининг ҳиссаси катта бўлди. Виллоятнинг Термиз, Муарабод, Денов туманларида ҳам пилла тайёрлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

**Пойтахтимиздаги 2-троллейбус парки жамоаси меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича муҳандис Зарина Мурадқалиева тиниб-тинчимас, ўз касбига садоқатли киши сифатида хурматланади. Уни ҳамма нарса - носоз асбоб-ускуналар ённи ишлаб чиқаришдаги барча жараён кизиктиради.**

Ишбилармонлиги ва кўпгина муаммоларни тезкор ҳал қилишда салоҳияти учун Заринани ниҳоятда эъзозлаймиш. Меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги борасидаги юмушлар унинг доимий диққат марказида, - дейди корхона касаба уюшма кўмитаси раиси Саидхўжа Исмоилов. - У билан биз камчиликларни тузатиш эмас, унинг олдини олишга келишиб олганмиш. Мазкур корхонада ҳар пайшанба кўни меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи

Боёвут туманидаги «Мохинур Ҳасанова» МЧК тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослашган жамият раҳбари Маҳбуба Назарова «Ташаббус-2005» кўрик-танлови вилоят босқичида тадбиркорлик йўналиши бўйича сориқли ўринни қўлга киритди. Шундан кейин корхона мижозлари сони янада кўпайди. Масалан, Қуйи Сирдарё ҳавзалари бошқармасидан махсус кийим-кечак тикиб беришга буюртма тушди.

Яқинда туман солиқ инспекцияси ишлаб чиқаришни ривожлантираётган жамиятга АТ «Тадбиркор банк» Боёвут филиалидан 1 миллион сўм имтиёзли кредит олишига бош қўшди. Натжидада 20 та янги иш ўрни яратилди.

**Суратда: модельер Озода Назарова шоғирди Ортиғой Маъмурова билан.**

**М.КАРИМОВ олган сурат**

## БЎСТОНЛИҚ МЎЪЖИЗАСИНИ АСРАЙЛИК

Бағрида дам олган ҳар қандай кишини ўзига махлўб этиб, руҳиятини кўтариб, дилга ором, танига қувват бахш этувчи Бўстонлиқ тумани табиати мўъжизаларга бой. Шу боис бу ерга келувчилар оқими йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу сўлим даргоҳ давлатимиз томонидан ҳам безътибор қолаётгани йўқ. Аксинча, дам олувчилар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш, табиатни тиклаш ва янада раванг топиши учун кўплаб сай-ҳаракатлар олиб боришмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг Чимён-Чорвоқ зонаси табиий бойлиқларини сақлаш ҳамда ҳудудни ўзлаштиришга комплексли ва изчиллик билан ёндашишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори бунга аққол мисолдир. Ушбу қарорни бажариш борасида туманда бир мунча ишлар қилинди.

Масалан, Чорвоқ сув омбори муҳофазаси 100 метр этиб белгиланди ва ушбу зонада жойлашган атроф-муҳитга, сувга зарар етказувчи объектлар кўчирилди. «Бакачўл-Хўжакент-Ғазалкент» магистрал канализация қувури қурилиши тугатилиб, фойдаланишга топширилди. Бакачўл ва Юсуфхона ҳудудларида дам олиш мажмуалари қурилиши тугатилди. Уларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида марказлашган сув олиш иншооти қурилди. «Ғазалкент-Юсуфхона» автомобил йўли кенгайтирилиб, қайта тасмириланди. Ҳудудда янги ўрмонзорлар яратиш устида мунтазам иш олиб боришмоқда. Чирчиқ дарёсининг ифлосланишига сабаб бўлувчи 13 та объект кўчирилди.

Шуларга қарамадан бу борада баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Мисол учун, Чимёнсой канализация қувури қурилиши Тошкент вилояти ҳокимлигига топширилган бўлиб, шу кунга қадар бу борадаги ишлар

бошланмаган. Оқибатда Чимён қишлоғи ҳудудда жойлашган корхона, дам олиш масканлари, болалар соғломлаштириш оромгоҳларидан чиққан оқова сувлар ҳамон ўраларга йиғилмоқда. Чорвоқ оқова суви биологик тозалашдан сўнг Чирчиқ дарёсига ташланади. Агар бу дарё Ғазалкент, Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларини асосий ичимлик суви билан таъминлашни ҳисобга олсак, қарор ижроси го'ятда муҳим эканлиги аён бўлади.

Бундан ташқари, «Бакачўл-Хўжакент-Ғазалкент» канализация қувури фойдаланишга топширилгандан сўнг унга санокли объектларгина уланди. Булар Навоий, Олмалик конметаллургия, Ўзбекистон металлургия, комбинатлари Тошкент ҳокимиятига қарашли дам олиш масканлари ва Хўжакент пансионатидир. Қолган 50 дан ортиқ дам олиш масканлари, болалар оромгоҳлари оғохлантирилганлигига

### Табиат ва инсон

қарамадан, бу юмушни пайсалга солиб келмоқдалар.

Туман табиати, экологик вазиятида тўхталганда, Белдерсой ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу гўша туманининг энг сўлим, баҳаво қисми бўлиб, бир неча дам олиш масканлари ва бошқа объектлар мавжуд. Бу ердаги оқова сувлар ҳозирда фаолият кўрсатаётган «Хўжакент-Ғазалкент» канализация қувурига ўша ҳақида бир неча фикрлар билдирилганди. Ҳатто лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган бўлсада, аҳвол ҳозир эски ҳолатда қолмоқда. Яъни оқова сувлар асосан ўраларда йиғилмоқда. Ҳўралар вақтида тозаланмаслиги оқибатда ифлос сувлар оқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳол атроф-табиий муҳит, жой рельефи ва сув манбаларини ифлосланишига олиб келиши табиий.

**Б.ТОШПЎЛАТОВ, Бўстонлиқ тумани табиатни муҳофазаси кўмитаси ходими**

### МАҲСУЛДОРЛИК ОРТМОҚДА

Сирдарё туманидаги «Анбарбарис» масъулияти чекланган жамият чорвадорлари йил бошидан бунён истеъмолчиларга саккиз ярим литр сут етказиб берди. Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган «Янги ҳаёт» ширкат хўжалиги тугатилиб,

Ҳозир жамият қарамоғида 160 бosh қорамол бор.

Жамоа 53 гектар майдонга маккажўхори ва беда эккан. Экинни парваришда ва йиғиштириб олишда ўз техникасидан фойдаланади. Мавжуд экин майдонида етиштирилган оқова билан чегараланиб қолмай, дағал хашак, пичан жамғаришга ҳам эътибор қаратади.

### Меҳнат муҳофазаси

олиятларини давом эттиришмоқда. Бу борада кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам ўзининг яхши натижасини бермоқда. Шунингдек, кўрик-конкурслар ҳам ўтказилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган мана шундай тадбирда тайёрлов чемпинини жамоаси фахрли 1-ўринини эгаллади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур тадбирга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда касаба уюшма фаоллари ало-

ҳида намуна кўрсатишди. Корхона маъмурияти ўтган йил давомида махсус кийим-бош ва пойабзал, шахсий химоя воситаларини харид қилиб олиш учун 3 миллион сўм ажратганди. Бу йил ҳам ишчи-хизматчиларга хавфсиз иш шароитлари яратиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Натжидада кўп йиллар давомида ишлаб чиқаришда ҳеч қандай жароҳатланиш содир бўлмади. Корхонада тиббиёт пункти иши ҳам яхши йўлга қўйилган. Ишчи-хизматчилар бу ерда белгиланган вақтда тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

**Р.РАДЧЕНКО**

### ОИЛАВИЙ БИЗНЕС

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини ошириш, уларнинг ҳақ-хўқуқларини, саломатлигини муҳофазаси қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш долзарб вазифа ҳисобланади. Ғарғона вилоятида ҳам 2005-2007 йилларда аёлларни иш билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилмоқда.

Ғарғона вилоят «Маҳалла маркази»да бўлиб ўтган йиғилиш ана шу дастур ижроси таҳлилига бағишланди.

2005-2007 йиллар мобайнида Ғарғона вилоятида 64 минг 302 та янги иш ўрни яратилиши керак. Бу кичик бизнесни йўлга қўйиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш орқали амалга оширилади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ҳамда Республика Марказий банки ўртасидаги шартномага кўра оилавий бизнесни ривожлантириш учун 2005 йилда вилоятга 860 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилади.

## ЯНГИ ИШ БОШЛАГАНЛАРГА МУРАББИЙЛАР ЁРДАМИ

вакилларнинг йиғилиши ўтказилади. Унда ҳар бир тақлиф ҳамда оғохлантиришлар жиддий таҳлил этилади. Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоатчи вакиллар асосий цехларни эмас, балки ёрдамчи - ечинни, маший хизмат кўрсатиш каби хоналарни ҳам назоратдан ўтказишади. Бу ерда ишга янги кирган ҳар бир

киши махсус йўриқнома асосида ўқитилади ва муттасил равишда унда техника хавфсизлиги ҳамда меҳнат муҳо-

олиятларини давом эттиришмоқда. Бу борада кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам ўзининг яхши натижасини бермоқда. Шунингдек, кўрик-конкурслар ҳам ўтказилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган мана шундай тадбирда тайёрлов чемпинини жамоаси фахрли 1-ўринини эгаллади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мазкур тадбирга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда касаба уюшма фаоллари ало-




Жиззах шаҳридаги «Zilola-Tex» хисосадорлик жамиятида юзга яқин ишчи меҳнат қилмоқда. Корхонада катталар ҳамда болалар учун иссиқ кийимлар ва бошқа тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Ўртача иш ҳақи 50 минг сўмни ташкил этмоқда. Ишчилар ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан

руҳланган жамоа ўтган йилни 93 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Бу йилги натижалар янада баракали бўлиши кутилмоқда.

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

**М.КАРИМОВ олган суратлар**



**Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Навбахор туман вакилликда ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан химоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг иш ҳақларини вақтида тўлаш йўлга қўйилди. Дам олишларини ташкил этиш мақсадида санаторий ва дам олиш масканларига 29 та йўланма ажратилди. Ҳар йили кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳомийлар ҳисобидан кам даромадли оила фарзандлари моддий рағбатлантирилмоқда.**

Айтгандай, ўтган йили навбахорликлар Навоий тоғкон металлургия комбинатидан ажойиб совға олишди. Авария ҳолатига келган Фуркат номли мактаб тамомила янги кўриштирилди. Уқув даргоҳларида ўтказилаётган кўрлаб тадбирлар ёшларни юксак савияси, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, унутилган анъаналари-

ли ишдан ҳудуддаги корхона-ташкилотлар, фермерлар, тадбиркорлар ҳам четда қолмади. Яратилган шарт-шароит мактаб жамоалари кучига куч, гайратига гайрат қўшди. Уқув даргоҳларида ўтказилаётган кўрлаб тадбирлар ёшларни юксак савияси, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, унутилган анъаналари-

### Касаба уюшма тадбири ТОҒ-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ СОВФАСИ

мизни тиклаш, янгича урф-одатлар ва маросимларни ҳаётимизга кўпроқ татиқ этишга хизмат қилмоқда. А.Қаҳҳор номли 1-мактабда Ватан химоячилари кўни, А.Навоий, Бобур таваллуфларига бағишлаб ўтказилган танлов голиблари қасаба уюшма эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, «Йил ўқитувчиси», «Йил мак-

таби», «Ижодкор ўқитувчи», «Энг яхши таҳлилий текстлар», «Энг яхши бир соатлик дарс ишланмаси», «Инглиз тили дарсларида илғор педагогик технологияларни қўллаш» мавзусидаги вилоят семинар амалиёти голиблари ҳам қасаба уюшмаси томонидан рағбатлантирилди. **Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири**

### Аҳоли ўртасида санитария маданиятини ошириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати бўлишини таъминлаш, ободонлаштириш ва кўчаларзорлаштириш тадбирларини назорат қилиб бориш бугунги куннинг муҳим вазифаларидандир. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Амударё туман Давлат санитария эпидемиология назорат маркази бу борада қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, «Табиат ва инсон», «Туманимиз ва шаҳримизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантираемиз» каби мавзуларда кўрик-танловлар ташкил этилиб, жойларда ободонлаштириш ишлари маҳалла раислари иштирокида уюшқоқлик билан олиб боришмоқда. Бироқ сай-ҳаракатларга қарамай, айрим аҳоли ишаш жойларида кўчаларни ободонлаштириш, ариқларни тозалаш, чикиндиларни ўз вақтида олиб кетиш пайсалга солишмоқда. Хусусан, 5-сон болалар боғчаси, Н.Раҳимов кўчасида жойлашган кўп қаватли бино атрофида, Навоий, Чордара, Олмазор, Бўстон, Бой-овул маҳаллаларида чикиндилар йиғилиб қолмоқда.

Машиий чикиндиларни шартнома асосида вақтида олиб кетиш коммунал хизмат ва маҳалла раислари томонидан қорқарсиз олиб борилаётганлиги неча бор таъкидланган бўлса-да, мутасаддилар тегишли хулоса чиқаришмаптилар. Мангит дехқон бозори санитария аҳоли ҳозирги кун талабига

мутлақо жавоб бермайди. Бозор ҳудудида ободонлаштириш, кўчаларзорлаштириш ишлари етарли даражада олиб борилмаган, сув канализацияси тармоқлари ишламайди.

Ичимлик суви сифатини яхшилаш, сув орқали тарқалиши мумкин бўлган касалликларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ва қишлоқ ичимлик суви бошқармаси ходимлари билан ўтказилган назоратлар натижасида сув қувурларининг санитария ҳолатини кўздан кечириш, дезинфекция ишларини амалга ошириш йўлга қўйилди, - дейди Амударё туман санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори Д.Уразимбетов. - Аҳолини сифати кафолатланган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида

### Санитария назорати

савдо шохобчалари, умумий овқатланиш корхоналари назоратда олиниб, тарғибот ишлари амалга ошириб келинапти.

Марказ томонидан жорий йилнинг 4 ойи давомида санитария қонуни бузган, амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этмаган, 6-сон болалар боғчаси мудири С.Турозалиева, қишлоқ врачлик амбулаторияси мудири Қ.Юсуповалар, ошхона

мақсадида мутасаддиларга тегишли тавсиялар берилди. Хўжайли туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ижросини таъминлаш борасида ибратли тадбирларни амалга оширдилар.

Тарғибот-ташвиқот, амалий семинар, тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, айрим мутасадди раҳбар, тадбиркорлар амалдаги меъёрий талабларни бузишмоқда ёки четлаб ўтишгапти. Эътибор беринг, биргина жорий йилнинг тўрт ойи давомида ўтказилган текширувлар даврида жавобгар шахсларга 2 миллион 187 минг сўм жарима қўлланилган. 18 объектнинг санитария ҳолати қонқарсиз эканлиги боис фаолияти тўхтатилди.

Тахиятош шаҳар ДСЭНМ ҳисобида 183 объект ва субъект бўлиб, ушбу жойларда санитария назорати ўтказилди ва амалдаги қонунқоидаларни бузган 48 нафар жавобгар шахса жами 940 минг сўм жарима олинди. Лаборатория текширувининг яқуни бўйича эса ҳаммаси бўлиб 1818 гў озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолга яроқсиз деб топилди.

**Х.КОДИРОВ, «Ишонч» мухбири**

Ижтимоий ҳимоя

ИНСОНГА ОЗГИНА ЭЪТИБОР

кўнглини тоғдек кўтарари

Меҳр-мурувват, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Бу юксак қадриятлар инсон қалбига ҳамжиҳатлик, аҳиллик, дўстлик, тотувлик каби олижаноб туйғуларни шакллантиради, тарбиялайди. Мамнунят ила таъкидлаш лозимки, турмуш тарзинишга бу каби шарқона аъёнларимиз тобора чуқурроқ кириб бораётди.

Бошқармамиз ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан ҳам таъминланган оилалар, пенсионерлар, ногиронлар ҳамда ўзгалар парваришига муҳтож яқка-ёлғиз қарияларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлмоқда. Чунки, ўтган йили ёлғиз яшайдиган пенсионерлардан 9 нафарига ногиронлик аравачиси олиб берилди. 85 нафар яқка-ёлғиз кексаларнинг уйлари таъмирдан чиқарилиди. Бунинг учун 11 миллион 501 минг сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, нафақа гаштини сураётган нуронийларга 17 миллион 380 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Умуман, ўтган йил давомида ёлғиз кексаларга мезёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари ўз мuddатида тўлиқ етказиб берилди. Бунинг учун 47 миллион 453 минг сўм маблағ сарф этилди.

Кексалар ва ногиронлар саломатлигини муҳофазалаш, уларни соғломлаштиришга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқдамиз. Масалан, ўтган йили «Меҳр ва мурувват йили» давлат дастурига биноан вилоятимиздаги ёшга доир пенсия олувчи фуқаролар ҳамда ногирон болалар аниқлашиб, 200 минг нафардан ортиқ киши тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди. Натijaда уларнинг кўпчилиги

қисми тиббий муассасаларида ва уйларида даволандилар. 26 минг 886 нафар қария қарийб 121 миллион сўмлик дори-дармон билан таъминланди. Бундан ташқари, 2489 та сихатгоҳ йўланмаси имтиёзли тарқатилди. 2005 йилнинг «Сихат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши зиммамизга янада катта масъулият юқлади. Ёлғиз кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оила аъзоларини соғломлаштириш мақсадида вилоят солиқлиги сақлаш бошқармаси билан қўшма буйруқ қабул қилинди. Унга кўра ҳозирги кунда вилоят бўйича 40 нафар операция қилиниши лозим бўлган кўзи оғир ногиронлар аниқлашиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Шу лойиҳага эса малакали шифокорлар иштирокида жарроҳлик амалиётлари ўтказилди, 3 нафар ногиронга сунъий кўз гавҳарлари қўйилди. Байрам кунларида 32 нафар ногиронга аравачалар тақдим қилинди. Уларнинг 20 таси ҳиммат-талаб ҳомийлар томонидан берилди.

Инсон кўнгли гулдек ноқик, Озгина эътибор, ғамхўрлик, ширин сўз уни тоғдек юксалтиради, эртанги кунга нисбатан катта ишонч, умид уйғотади. Бундай хайрли юмушни бажариш осон иш эмас. Шу боис ҳам бошқармамиз ва унинг жойлардаги бўлимлари ходимлари масъулияти чуқур ҳис этган ҳолда жонбозлик билан фаолият юротаверишмоқда.

С.НОДИРОВ, Наманган вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси бўшқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

«Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Қарлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, соҳада салмоқли ишлар амалга оширилди. Замонавий коллеж ва академик лицейлар қурилиб, бугунги кун талаби даражасида жиҳозланди. Энг асосийси, яратилган бундай имкониятларга ҳамоҳанг равишда педагог кадрларнинг маҳоратини ошириш, ўз касби, соҳасининг етуқ билимдони бўлиши йўлида ҳам тинчликни излаш ишлари олиб борилмақда.

Наманган шаҳридаги Давлатбод ёлғиз сановат касбухона коллежида ҳам бундай ишлар олиб борилаётган. Тўрт мингга яқин ёлғиз пенсионерлар ҳолидан ҳам доимий турилибди. Улар ҳомийларнинг беминнат кўмагидан фойда миннатдор.

Хотира ва Қадрлар кунлари ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги вилоятимизда кенг миқёсда нишонланди. Барча туманларда турли хайрия тадбирлари уюштирилиб, минглаб ёрдамга муҳтожларнинг кўнгли овланди. Бу тадбирларга уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар тақлиф этилиб, уларга катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Жумладан, оталиқ қорхона ва ташкилотлари, ҳомийлар томонидан салкам 10 минг кишига 39 миллион сўмликдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 2267 кишига 9 миллион сўмга яқин моддий ёрдам берилди. Масалан, Наманган шаҳрида 978 киши, Қосоний туманида 212 киши, Чуст туманида 261 киши ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Байрам кунларида 32 нафар ногиронга аравачалар тақдим қилинди. Уларнинг 20 таси ҳиммат-талаб ҳомийлар томонидан берилди.



ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ Оқолтин тумани ғаллакорлари 14 минг 905 гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Эл ризқ-рўзини 24 иш кунда йиғиштириб олиш режаси ишлаб чиқилди. Туман машина-трактор паркидаги 21 та «Кейс» ком-

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури-амалда



лан ишлаб чиқариш амалиётини кўнгилдагидек ташкил этгани, бу даврада ёшларнинг ишлаб чиқариш қорхоналари билан яқин алоқада бўлгани, уларнинг келгусида ўз иш ўринларига эга бўлишларида анчайин қўл келяпти. Бугунги кунда битирувчиларимиз вилоятимизнинг йирик қорхоналари ҳисобланган «Наманганга», «Наманганга», «Нотўқимачи», «Муштарий» ҳиссадорлик жамиятлари

Белгиланган режага мувофиқ мавсум давомида иш унуми ва самардорлигини ошириш мақсади билан манфаатдорлигини таъминлашда эканлигини яхши тушувчан МТП мазмурияти ва касба уюшма кўмитаси ижтимоий ҳимояга муҳим эътибор қаратмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ишчи-хизматчилар унуми иш-лашлари учун бу ерда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

Суратларда: механик Мирзохид Адашалиев операторлар билан; таъмирдан чиққан комбайнлар.

САМАРҚАНД ЧОЙ

Узоқ йиллик танаффусдан сўнг Самарқанд вилоятидаги чой фабрикаси Республика ҳукуматининг ёрдами билан оёққа турди. Айни пайтда ўрнатилган замонавий техника ўнлаб турдаги олий навли чой ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бир пайтлар Самарқанд чой фабрикасида қадокланган машҳур 95 ҳамда 110-кўк чойлари ва фари расми туширилган ҳинд чойлари бўларди. Таассуфки, бозор иқтисодиётидаги кучли рақобат шариоитида қорхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари пасайиб харидорлар орасида ўз макенини бой бериб қўйди. Ана шундай бир вазиятда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Самарқанд чой қадоклаш фабрикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қорхона фаолиятини қайта йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асос яратди. Сабаби, бу пайтга келиб, Давлат мулк кўмитаси билан Америка интернейшнл коорпорацияси ўртасида келишув юзга келган. Унга биноан чой қадоклаш базасида чет эл қорхонасини ташкил этиш кўзда тутилган эди.

Шунингдек, қарорга асосан фабрикада қадокланган чой ишлаб чиқариш лойиҳаси 2005 ва 2006 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига киритилди. Қорхонанинг оёққа туриб олиши учун икки йил мuddатга божхона тўловлари ва қўшма киймат солиғидан озод этилди. Хорижий ҳамкор эса фабрика ривож учун олти миллион тўрт юз минг АҚШ доллари миқдорда сармага киритди. Ҳозир бу ерда эллик грамдан уч юз эллик граммга бўлган турли рангидagi кутиларда маҳсулот чиқарилаётган. Қорхона мутасаддилари Самарқанд чой фабрикасининг макенни аввало республика ҳудудида қайта тиклаб, кейинчалик хориж бозорларига чиқишни ҳам режалаштиришган. Бундай савий-характерлик қорхона фаолиятига ва унинг бюджетига катта иқтисодий манфаат.

«Туркистон-пресс»

ДАЛА МАШҒУЛОТЛАРИ

Ҳарбий - ватанпарварлик, техник мутахассислар тайёрлаш, спорт ва тадбиркорлик ишларини янада юқори савияда кўтариш бўйича Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Яқкабў туман кенгаши намунали ишларни амалга оширмоқда. Замонавий қурилган ҳарбий-ватанпарвар ташкилотининг биноси капитал таъмирланди. Спорт-техника, ўқув муассасалари маънавият-маърифат бўйича кўргазмалари билан қайта безатилди.

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларида

Ўтган йили жамоа ёшлар техникани эгаллаши бўйича кадрлар тайёрлашда катта муваффақиятларга эришди. Автоматшани бошқаришнинг В тоифасига 280 нафар, ВС тоифасига 90 нафар, Д тоифасига 30 нафар ёшлар ўқиб, жами 400 нафар киши ҳайдовчилик гувоҳномалари олди. Режа 190 фоизга урдаланди. Бундан 26 миллион 379,3 минг сўм даромад килинди. Яъни ушбу даромад ҳисобидан 667,1 минг сўм фойда олинди. Бундан ташқари, қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳисобидан 16 миллион 867,7 минг сўм фойда олинди. Жорий йилда бу иш янада ривожлантирилиб, оммавий касб танлаш бўйича биринчи чоракда В тоифага 60 нафар, ВС тоифага 30 нафар, Д тоифага 30 нафар ёшлар ўқимоқда.

Ёшлар ўқувини намунали ташкил этишда малакали ўқитувчилардан Бобоқул Қудратов, Тўра Назаров, Йигитали Эгамбердиев, усталардан Абдували Бозоров, Музаффар Мусурмонов, Жўрамурод Хушвақтовларнинг ҳиссаси катта бўлаётди. Бу ерда ёшлар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Каратин, мотокросс, пневматик милтиқдан ўқ отиш секциялари ишлаб турибди. Тўрага аззолари туман ва вилоятдаги мусобақаларда фаол иштирок этиб, яхши натижаларни кўлга киритмоқда.

Кенгаш ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва жўнатиш ишларини амалга оширади. Яқинда мудофаа ишлари бўйича туман бўлими ҳамкорлигида 3 кунлик дала машғулотлари ўтказилди. Унда 86 та ўрта мактабнинг битирувчи синф ўқувчилари иштирок этди. Тумандаги 77, 21, 6-ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўқувчилари дала машғулотига фаол иштирок этиб, юқори қўрсаткичга эришди. Бундан ташқари, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурига асосан «Ўқ отиш» спорт бўйича туман биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича шахсий биринчилиқда Ойбек номли, А.Авлоний номли ва автомобиль мактаблари яхши кўрсаткичга эришдилар. Мусобақа голибларига ҳомийлар томонидан совғалар берилди.

САВОЛ: қандай ходимларга ва қайси лавозимларда ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади? ШУ ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги Фармонига мувофиқ 1996 йилнинг биринчи январидан ишлаётган қуйидаги лавозимларга пенсия тўлиқ миқдорда тўланади:

- иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тегишли қилган хизматлари;
- биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлигига;
- Чернобил ҳалокатида жароҳат олган шахсларга;
- Қўриқчилик қўрсатиб ўтилганлардан ташқари яна айрим ҳодимларга ҳам пенсияларни тўлиқ олиш ҳуқуқи берилган.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилнинг 17 мартда «Хотин-қизларнинг иқтисодий муҳаббатини қўллаш ва қўллашга чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан 1999 йилнинг 1 июлидан бошлаб ёшга доир пенсияга чиққан қуйидаги аёллар: ўрта ва юқчи тиббий ходимлари, провизорлар, ногирон болаларнинг интернатлари, Меҳрибонлик уйлари тарбиячилари, шунингдек клубхоналар ишлагани давом эттириётган ва пенсияга чиққан олдидан мазкур қўрсатиб ўтилган мутахассислар бўйича қайси 10 йил меҳнат стажига эга бўлсалар пенсияларини озиқ-овқат ҳуқуқи эга бўладилар.
Кўрсатиб ўтилган мутахассислар қуйидаги лавозимларда ишлаганда пенсияларини тўлиқ миқдорда олишлари мумкин. Бу ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот, Меҳнат ва Молия вазирлиқлари томонидан 1999 йил 31 майда тасдиқланган «Ёшга доир пенсияга чиққан қуйидаги аёлларга тегишли лавозимларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби» қуйидаги белгиланган:
- ўрта ва юқчи тиббий ходимлари (қорхоналарнинг бўйсунушидан қатъий назар);
- тиббий регистратор, дезинфекторлар;
- курсатилган уйларидаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;
- Клубхоначи;
- Бош клубхоначи, етакчи клубхоначи, клубхоначи, бош библиографа, библиограф;
- Қўрсатилган мутахассислар бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги қўрсатиб ўтилган барча лавозимларидаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланади.
Бунда, аёл пенсияга чиқиб олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлса ва пенсияга чиққан қуйидаги Фармонда назарда тутилган мутахассислардан бири бўлса ишнинг давом эттириётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқ-

Р.АБДУВОХИДОВ, Нурота тумани

ИШЛАЁТГАН ПЕНСИОНЕРЛАРНИНГ ҚАЙСИЛАРИГА ПЕНСИЯ ТЎЛИҚ МИҚДОРДА ТЎЛАНАДИ?

Саволигизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси
- барча турдаги тиббий ҳамширалар, Меҳрибонлик уйлари тиббий ҳамшираси, фельдшер, доя (акушер), лаборант, рентгено-лаборант, инструктор, тиббий хизматчилар;
- барча турдаги муассасалар (қорхоналар) провизорлари; Меҳрибонлик уйлари ва ногирон болалар интернатлари;
- курсатилган уйларидаги ҳамда гўдаклар уйларидаги катта тарбиячилар ва тарбиячилар;
- Бош клубхоначи, етакчи клубхоначи, клубхоначи, бош библиографа, библиограф;
- Қўрсатилган мутахассислар бўйича талаб қилинган иш стажининг давомийлиги қўрсатиб ўтилган барча лавозимларидаги иш даврлари ҳисобга олиб аниқланади.
Бунда, аёл пенсияга чиқиб олдидан Фармонда кўрсатилган лавозимларда 10 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга бўлса ва пенсияга чиққан қуйидаги Фармонда назарда тутилган мутахассислардан бири бўлса ишнинг давом эттириётган бўлса, унга пенсия тўлиқ миқ-

ҚАДРИЯТЛАРГА ЯНГИЧА МУНОСАБАТ

Тошкент шаҳар Чилонзор туман ҳокимиятида Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси ҳамкорлигида «Миллий ва диний қадриятларимизга янгича муносабат» мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Таъдирда давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла хотин-қизлар кенгаши вакиллари, шифокорлар, мактабга-ча тарбия муассасалари раҳ-

барлари, маҳаллаларнинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича масъулаҳчилари иштирок этди. Мазкур анжуманда олимларнинг миллий ва диний қадриятларимизга бугунги муносабат ва бу борада амалга ошириляётган ишлар мавзусидаги маърузалари тингланиб, фикр-мулоҳазалар алмашилди.
«Туркистон-пресс»

Информация о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансово-хозяйственную деятельность эмитента ГАСК «Кафолат»
ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 09
Решение общего собрания акционеров
«Кафолат»:
А) Утвердить отчет Наблюдательного совета ГАСК «Кафолат» (проголосовали: «за» - 965 285 голосов, или 97,0%, «против» - нет, «воздержавшихся» - нет);
Б) Избрание членом Наблюдательного совета ГАСК «Кафолат» (кумулятивное голосование):
Карабаев Фархад Аббасович (965 277 голосов);
Казиев Пулат Рашидович (965 297 голосов);
Умаров Суннат Абдуллаевич (979 197 голосов);
Рахимбеков Рустамбек Рахмонбекович (965 277 голосов);
Абдухаллопов Гулчехра Абдухамидовна (951 377 голосов);
Б) Утверждение распределения чистой прибыли ГАСК «Кафолат» по итогам деятельности в 2004 году (проголосовали: «за» - 965 285 голосов, «против» - нет, «воздержавшихся» - нет);
В) Утверждение отчета Ревизионной комиссии и избрание членом Ревизионной комиссии ГАСК «Кафолат»:
А) Утвердить отчет Ревизионной комиссии (проголосовали: «за» - 965 285 голосов, или 97,0%, «против» - нет, «воздержавшихся» - нет);
Б) Утверждение регламента проведения Общего собрания (проголосовали: «за» - 965 285 голосов, или 97,0%, «против» - нет, «воздержавшихся» - нет);
В) Утверждение:
А) Отчета Генерального директора ГАСК «Кафолат» о результатах финансово-хозяйственной деятельности Компании по итогам 2004 года и основных направлениях развития Компании на 2005 год (проголосовали: «за» - 965 285 голосов, или 97,0%, «против» - нет, «воздержавшихся» - нет);
Б) Годового отчета и бухгалтерского баланса Компании (проголосовали: «за» - 965 285 голосов, или 97,0%, «против» - нет, «воздержавшихся» - нет);
В) Утверждение отчета Наблюдательного совета и избрание членом Наблюдательного совета ГАСК

**Иктидорли мўкалам соҳиби, Шарқ руҳиятини ўзининг чизиларида юксак даражада жонланган мусаввир Леҳим Ибрагимов ўзининг 60 ёшини нишонламоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида унинг Шарқ ва Фарб тасвир принципларини ўзига мўжассамлаштирган асарлари намойиш этилмоқда. Рассом калбидан фавора янглиб отилиб чиққан туйгулар тинчлиги ҳисобланмиш бу асарлар шу оғир охирида Париждаги кўргазмаларда ҳам намойиш қилинади.**

Л.Ибрагимов суратларида дунё рамзлар, ишоралар орқали талқин этилади. Мусаввир ҳаёлот ва макон таъинларини тан олмайди. У вақт билан чегараланмаган, муайян макон билан боғлиқ бўлмаган чексизлик ва абдийликни излайди. «Шарқ боғи» туркумидаги 30 га яқин асарлари яқинда Москвадаги Марказий рассомлар уйда халқаро рассомлар конференцияси томонидан томошабинлар ҳуқига ҳавола қилинди. «Афсуски, сунги пайларда Москвада ўзбек рассомлари асарларидан ташкил топган кўргазма жуда кам намойиш қилинмоқда, — дейилади матбуот марказидан тайёрланган ахборотномада. — Биз маэстро-

Сейтуч» газетаси ўз саҳифасининг катта қисмини ушбу кўргазмага бағишлагани кувончи ҳолдир. Мақолада нафақат рассомнинг асарлари, балки Ўзбекистон олийқала соҳибларининг оlib бораётган изланишлари тилга олинади. Марказий Осиёнинг кади-

**Рангтасвир**

ри нашр қилинган. Таниқли мусаввир 1998 йили Ўзбекистон Бадий академиясининг олтин медали билан тақдирланган. Шунингдек, Л.Ибрагимов Париждаги умумжаҳон рассомлар съез-

дининг делегати, Тошкент халқаро бадий кўргазмасида бўлиб ўтган «Биеннале-2001»нинг асосий совринига сазовор бўлган. Рассомнинг асарлари Ўзбекистон, Россия, Германия музейларида, шунингдек, АКШ, Испания, Франция, Италия, Хиндистон, Австрия, Япония, каби бир қатор мамлакатларда шахсий коллекцияларда сақланади.

Леҳим Ибрагимов қаламчиғи ва рангтасвирнинг кучини, қудратини, унинг ноҳик, нафис, шаффоф ва шиддатли, уйғун ва жўшқин томонларини юзага чиқарган рассом. Унинг «Майна», «Пахта терими», «Хўтанли

**Оролбўйининг ўзига хос тарихи, миллий ва маънавий қадриятлари бор. Қорақалпоғистон ўлкаси ўрганиш Давлат музейи бугунги авлод вақилларини қадимий халқ ўтмиши билан таништиришда муҳим ўрнини эгаллайди.**

**МАЪНАВИЯТ КОШОНАСИ**

Улкан маънавият ва маърифат қашонасига ўтган асрнинг 30 йилларида асос солинган. Қорақалпоқ халқининг бой тарихини акс эттирувчи осори-атиқаларга нафақат маҳаллий аҳоли, чет эллик сайёҳларнинг ҳам эътибори ортиб бормоқда.

Музей фаолиятини йўлга қўйишда Н.Торчинская, Н.Басқаква, Т.Айимбетовларнинг хизмати катта. Бу соҳада ярим асрдан кўпроқ ишлаган А.Иметова, А.Бектурганов, Т.Ирмалова, М.Махмудов, Е.Бойжонов, Ш.Бабашев, Ж.Фахриддинова, Т.Мадиев, А.Худой-

лик, ёғоч ўймакорлиғи, халқ чолғу асбоблари, зарғарлик ва ёдгорлик моллари ишлаб чиқариш цехларини ишга тушириш мўлжалланган. Янгидан маданият ва спорт бўлимини очиб қўзда тутилган.

— Яхши ният билан қадам қўйган ҳар бир миҳозга намунали хизмат кўрсатишга ҳаракат қилаётмиз, — дейди музей директори Света Нурабуллаева. — Улкамиз ҳаётини ўрганган сайёҳларнинг юртимиз ўтмишига қизиқиши ортади. Эскурасовлар билими ва малакасини ошириш чоралари

**Музейлар — тарих кўзгуси**

бергеновлар ҳам музейни ташкил қилиш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар. Истиқлол шарофати билан маърифат қашонасининг моддий-техника базаси мустаҳкамлашиб, замонавий қилиб жиҳозланди. Эсполатлар сони 57 мингтадан ошди, 6 та бўлимга тааллуқли 3 мингга топила кўргазма залларига қўйилган. Улар вақти-вақти билан таъмирланиб, янгилашиб турилади. Орол денгизи остидан чиққан бўюмлар, кемалар қолдиқлари, балиқчиликнинг ривожига оид топиладиклар қишлоқларда катта қизиқиш уйғотади. Қорақалпоғистон, унинг маркази Нукус, шунингдек, Қўнғирот, Хўжайли, Таҳиятош шаҳарлари, Буюк Илпак Йўли ўтган қадимий аҳоли масканларида жойлашган кўна қалалар тарихи томошабинларда қизиқиш уйғотиши табиий. Улканнинг бой ўтмиши, бугуни ва келажаги, тарихий жойлар ва зияратгоҳлар ҳақида аниқ маълумотлар, ёдгорликлар тўпланган.

Республика меҳмонлари ва хорижий сайёҳчиларнинг ҳисобга олинган ҳолда иш тўтиляпти. Миллий каштачи-

кўриляпти. Олий ўқув юрталари профессор ва ўқитувчилар, тарихчилар музейга ташриф буюрган мактаблар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари хузурида маърузалар билан чиқади.

Айниқса, «Оролбўйи асрлар силсиласида», «Кўна қалалар тарихи», «Ал-Беруний ижоди ва ҳаёти», «Қадимий ёдгорликлар» мавзуларидаги мулоқотлар қишлоқларда катта таассурот қолдирди. Ишда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Аввало, музей залларини кенгайтириш ва экспонатларни бойитиш лозим. Шаҳар ва туманлардаги аҳоли орасида миллий бойликлар, халқ амалии санъати дурдоналари, тарихий топиламалар, каштачилик намуналари бисёр. Бундай осори-атиқаларни бир жойга тўплаш ва сотиб олиш учун кўшимча маблағ ажратиш талаб этилади.

... Музейнинг ранг-баранг экспонатлар билан безатилган залларидан томошабинлар қадами узилмайди. Турли ёшдаги кишиларнинг ўлка тарихини ўрганишга ихлоси баланд. Музейнинг билимдон ва ҳаракатчан ходимлари сайёҳлар хизматиди.

ЁЛКИН

**Хабарлар оқимидан КИТОБ ХАЛҚАРО СТАНЦИЯСИДА**

Бундан 80 йил аввал Буюк аллома Мирзо Улугбек илимий фаолияти бошланганига 500 йил тўлишига бағишланган анжуман ўтказилган эди. Ушундан Ўзбекистонда халқаро географик кенглама станциясини қириш масаласи ҳам кўрилди. Тошкент астрономия обсерваторияси ана шу станцияга Мирзо Улугбек номини бериш тўғрисидаги ташаббус билан чиққан эди.

Ер қутбларининг ҳаракатини аниқлаш учун географик кенгликларни мунтазам кузатиб бориш билан шуғулланувчи бу станция Қашқадарь вилоятининг Китоб шаҳридан 2 километр шимолда жойлашган кўркам жойда мазкур станцияни бунёд этишга киришди. У 1930 йили ўзининг мунтазам илмий кузатув ишларини бошлаб юборди. Китоб станцияси янги телескоп ва илмий-ўлчов асбоблари билан жиҳозланди.

Мазкур станция иш бошлаганига 40 йил тўлиши муносабати билан бу ерда илмий конференция уюштирилди. Унда Мирзо Улугбекнинг самимиюли қишлоқларида жойлашган кўркам жойда мазкур станцияни бунёд этишга киришди. У 1930 йили ўзининг мунтазам илмий кузатув ишларини бошлаб юборди. Китоб станцияси янги телескоп ва илмий-ўлчов асбоблари билан жиҳозланди.

Бугунги кунда Китоб халқаро кенглама замонавий техникалар ёрдамида тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

Улуғ олим Улугбек номи берилганлигининг 80 йиллиги муносабати билан станцияда илмий анжуман ўтказиш тadbирлари қўрилди.

**МУСИКА КЕЧАСИ**

Республикамизда «Чайковский музика кечаси» санъат фестивали бошланди. 18 майдан 12 июнгача давом этадиган бу йирек маданий тadbир Пётр Чайковский таваллудининг 165 йиллигига бағишланиб уюштирилди. Россия федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Россия маданият ва кинематография кўмитаси сай-ҳаракати билан ташкил этилган ушбу фестивал дастурлари Ўзбекистон Давлат академик катта опера ва балет театрида намойиш қилинмоқда.

Композиторнинг Симфоник асарлари бўйича тузилган концертлар томошабинларда қизиқиш уйғотади.

Бундан ташқари композиторнинг «Оқуш қўли», «Уйқудаги гўзал» балетлари, «Иолонта» операсидан айрим сахналар ҳам намойиш қилинади.

**САЛОМАТЛИКНИНГ ЁШ ДЎСТЛАРИ**

Швейцариянинг фидоий физкароси Анри Дюнон Кирил Хоч ва Кирил Ярим ой ҳаракатига асос солган эди. XIX асрнинг ўрталарида амалга оширилган бу сайёҳ-ҳаракат инсоннинг янаша саломатлигини тиклашга доир ҳуқуқни ҳимоя қилувчи халқаро жамоатчилик ташкилотини тузишга сабаб бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда бу нуфузли ташкилотнинг доимий ваколатхонаси ишлаб турибди. Яқинда Тошкентда уюштирилган «Саломатликнинг ёш дўстлари» мусобақаси мазкур ваколатхона очилишнинг ун йиллигига бағишланди.

Бу тadbир ўқувчи ёшлар ўртасида Кирил Хоч ва Кирил Ярим ой жаъмияти фаолиятини кенг тарғиб этиш йўлида қўрилган навбатдаги тиббий тadbир бўлиб хизмат қилди.

А.АЛИЕВ

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ**

Ўтган дам олиш кунлари пойтахтимизнинг «Жар» спорт мажмуида каратэ бўйича ёшлар ўртасида Марказий Осиё очик чемпионати баҳслари бўлиб ўтди. Мусобақада қўшни Қирғизистон, Қозоғистон, Тюркистон, Туркменистон, Россия ҳамда юртимизнинг турли гушаларидан ёш каратэчилар голиблик учун татамига чиқшди.

«Авалло халқаро турнирнинг юқори савияда ўтказилганини таъкидламоқчиман. Шунингдек, қўшни мамлакатлардан ташриф буюрган ёш иктидор эгаларига қарши татамига чиққан вақилларимиз баҳсларда муносиб иштирок этди. — дейди хоразмлик мураббий Х. Тошқужаев. — Мен Ал-Ҳаким клубидан 9 нафар шогирдим билан турнирда қатнашдим. Болалар учун халқаро турнир катта тажриба мактабининг

**Каратэ**

ўтайди ҳамда маҳоратларини синовдан ўтказди. Бу эса келгуси турнирларда гоът асқотади.

Жамоалар ўртасида кечган баҳслар ўта муросасиз тус олди. Кумитэ баҳсларида андижонликлар юқори натижалар кўрсатган бўлса, катта баҳсларида пойтахтимиз каратэчилари кучли эканлигини исботлашди. Баҳсларда ёш кизларнинг иштироки турнирга ўзгача кўрк бағишлади. Кумитэ баҳсларида ўз тенгқурлари орасида М. Рустамова, Ч. Ядгоров, С. Аҳмедова, Н. Ярумухамедов, М. Сулаймонов, С. Ҳамидов, Отар Нуржон, Ю. Қизирғалиев, О. Бахриддинов, А.Боймирзаев, Ш. Шарифов, С.Фозилов, Э.Турғунбоевлар шоҳсупага кўтарилди.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент шахри вақиллари биринчи ўрнини эгаллади.

С.ЭГАМБЕРДИЕВ



**Ҳар бир турнирнинг мухлислари ҳам, мутахассисларда ҳам катта қизиқиш уйғотадиган ўз учрашуви бўлади. Олий лига жамоаларининг 7-турда барчанинг диққат-эътибори Қаршига қаратилди, десак муболағга эмас. Ҳар қачондагига қараганда сермахсул ўйин намойиш этаётган «Насаф» жамоаси мамлакат чемпионли «Пахтакор» билан кечадиган учрашувида қандай натижага эришиши ҳеч кимни бефарқ қолдирмаслигини чуқур хис қилган ҳолда айтишимиз мумкин. Т.Агамуродов шогирдлари ҳам бой берилган қарвонбошлиқни яна қайтариб олиш учун астойдил ҳаракат қилишларини қўтишга тўла ҳақли эдик.**

Шунингдек, турнир жадалининг пастки ўриндикларида талай вақт қолиб кетган яна бир жамоа — «Трактор» ўз аҳолинини ўнглаб олиш томон муҳим қадам ташлади. Тракторсозлар турдан-турга мавқени бериб бораётган «Самарқанд-Д» жамоасини 4:2 ҳисобида мағлуб этдилар. «Кизилқум» эса чемпионат дебютант «Тўпаланг»дан 5:0 ҳисобида устун келди. «Машъал» ўз майдонида «Металлург»ни 3:1 ҳисобида енди.

Яна бир дебютант — Ҳузориинг «Шўртан» жамоасида ҳам ўзгариш бўлди. Мураббийлар алмашинуви юз берди. Бу беҳиз эмас. Ўтган олти турда гузорликлар бор-йўғи бир марта дуранг натижа қайд этиб, қолган барча учрашувини бой бердилар. Эндиликда жамоани Шамил Топиловдан Владимир Павленко қабул қилиб олди. Қашқадарёлик мухлислар учун яхши таниш В.Павленко мўқаддам Муборакнинг «Машъал» клуби мураббийлар штабида иш олиб борган. Ажаб эмас, унинг пойқадами ёқиб, «Шўртан» жамоаси ишқибозларининг кўнгли ҳам бироз равшан торса.

**«ШўРТАН»ДА МУРАББИЙ ЎЗГАРДИ**



Буни ўринбосарлар ўртасида баҳс ҳам тасдиқлаб турбди. Ҳатто захирада ўтирган футболчилар савияси унча-мунча жамоанинг асосий таркибида тўп сураётган ҳамкасбларидан қолишмайдиغان «Пахтакор» ўринбосарлари ўзларини кўрсатишди. 6:1 ҳисобидаги йирк галаба тошкентликларнинг турнир жадалларида мавқени янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ҳўш, асосий таркиб қандай ўйин кўрсатади, натижа қандай бўлади? Мухлислар эртаси кунни буни ҳам билиб олдилар. «Насаф» зафарли юришларини давом эттириб, «Пахтакор» жамоасини 3:2 ҳисобида мағлуб этди.

Тўп думалок, майдон текис — футболда ҳар нарса бўлиши мумкин. Биз бу сўзларни кўп эшитганмиз. Лекин шунча турдан кейин ҳам тушунишимиз қийин бўлган бир ҳолат узок-

**Футбол**

ушланиб қолмаслигини эслатиб қўйгандек бўлди. Ким билади, сафардаги ушбу муваффақият футболчиларнинг ўз кучига бўлган ишончини орттириб юборган бўлса, ҳеч ажаб эмас. Ҳар ҳолда «Бухоро»да истеъдод эгалари анчайин кўп эканлигидан яхши хабардормиз.

Шунингдек, турнир жадалининг пастки ўриндикларида талай вақт қолиб кетган яна бир жамоа — «Трактор» ўз аҳолинини ўнглаб олиш томон муҳим қадам ташлади. Тракторсозлар турдан-турга мавқени бериб бораётган «Самарқанд-Д» жамоасини 4:2 ҳисобида мағлуб этдилар. «Кизилқум» эса чемпионат дебютант «Тўпаланг»дан 5:0 ҳисобида устун келди. «Машъал» ўз майдонида «Металлург»ни 3:1 ҳисобида енди.

Яна бир дебютант — Ҳузориинг «Шўртан» жамоасида ҳам ўзгариш бўлди. Мураббийлар алмашинуви юз берди. Бу беҳиз эмас. Ўтган олти турда гузорликлар бор-йўғи бир марта дуранг натижа қайд этиб, қолган барча учрашувини бой бердилар. Эндиликда жамоани Шамил Топиловдан Владимир Павленко қабул қилиб олди. Қашқадарёлик мухлислар учун яхши таниш В.Павленко мўқаддам Муборакнинг «Машъал» клуби мураббийлар штабида иш олиб борган. Ажаб эмас, унинг пойқадами ёқиб, «Шўртан» жамоаси ишқибозларининг кўнгли ҳам бироз равшан торса.

Бундан ташқари, яна юзлаб ўқувчилар дам олдиришнинг бошқа усулларидан баҳраманд бўлишди. Вилоятда бу йил ҳам ушбу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Бунини шундан ҳам англаш мумкинки, амалдаги йилда 2004 йилдагига нисбатан 4 мингдан кўпроқ ёки ҳаммаси бўлиб 12070 нафар ўқувчинини оромгоҳларда дам олдириш кўзда тутилган. Табиийки бу барча ташкилот ва идоралар, биринчи навбатда касаб ва уюшмалари зиммасига катта вазифалар ҳамда масъулият оқлайди.

Бинобарин, вилоят касаб ва уюшмалари ташкилотлари Бирлашмаси томонидан бу соҳа қаттиқ назоратга олинган. Бирлашма режасига кўра бу йил 11 та шаҳардан ташқарида жойлашган оромгоҳда 7020 нафар, коллеж ва мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда яна 5050 нафар бола дам олдирилади. Шу муносабат билан қабул қилинган қарорга мувофиқ болалар оромгоҳларини ёзги мавсумга тайёрлаш, уларни мабрий ва озиқ-овқат маҳсулотлари ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш бўйича ҳўжалик органлари раҳбарлари номига тегишли хат-

**Ёзги соғломлаштириш — юксак масъулият**

лар оромгоҳларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш юзасидан ҳўжалик билан шартномалар тузилди. Масалан, «Олмазор» оромгоҳида 200 килограмм ва «Хумо» оромгоҳида 900 килограмм гуруч, «Атлас»

лар тақдим этилди. Оромгоҳларни мавсумга тайёрлаш билан боғлиқ тadbирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, хусусан, қўқаламзорлаштириш-

**ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙМИ?**

ка катта эътибор берилди. Кўплаб мева ва манзарали дарахт ҳамда гул културалари экилди. Шунингдек, болаларнинг овқатлари учун асқотадиган сабзавот майдонлари барпо этилди.

Вилоятда ўқувчилар ёзига ҳозирлик бўйича ахволни ўрганиш шуни кўрсатадики, бир қатор оромгоҳларда бу борада талай ижобий ишлар қилинган. Масалан, енгил, мебел санаети ва машийҳизмат ходимлари касаб ва уюшма кенгашига қарашли «Камалак», шунингдек, «Телеком» ва қарашли «Ёш алоқачи», Миллий банк хузурида ташкил этилган «Соҳил» ва бошқа бир қатор болалар оромгоҳларида мавсум пухта ҳозирлик билан кўтиб олинмоқда.

Шунингдек, Агроесанот мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси вилоят кенгаши томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу йил тармоқда 5 та болалар оромгоҳи фаолият кўрсатади ва уларда 3100 нафар ўқувчинини соғломлаштириш кўзда тутилган. Шунга кўра оромгоҳ ҳудудларида тазолаш ишлари ўтказилди. 600 тулга яқин мевали, 5450 туп терак кўчатлари экилди. Сабзавот майдонлари яратилди. Тармоққа қарашли барча бола-

оромгоҳида 2 тонна картош-ка, 500 килограмм макарон, 100 килограмм ўсимлик ёғи захираси яратилди. Бундай мисолларни мавсумга ҳозирланаётган яна қатор оромгоҳлар фаолиятдан ҳам келтириш мумкин.

Шу билан бирга, болалар ёзига ҳозирлик ҳамма жойда бир хил даражада сип-сил қил кетяпти, деб айтиш қийин, албатта. Бу борада йўл қўйилаётган хато-камчиликлар, етишмовчиликлар, боқибегамлик қайфияти ҳўк сураётган ёки қўлдан кетгунча, эгасига етгунча қабилда иш юритилаётган жойлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Қосонсий туманидаги «Олмазор» болалар оромгоҳида бир мунча ҳозирлик ишлари баҳарлиганига қарама-қарши ёрдамчи бинолар (маънавият ва маърифат хоналари, кутубхона, тиббиёт хонаси, душ, чўмилиш ҳавзаси, ечиний хоналари)да таъмирлаш ишлари учдан бир қисмига ҳам етмаган. Спорт майдончаларига қўл урилмаган. Озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам етарли эътибор берилмаган. Дезинфекция ва ювувчи воситалари захираси яратилмаган. Чўст туманидаги «Тонг» болалар оромгоҳидаги тайёргарлик ишларида ҳам кўнгли тўлмайди. Таъмирлаш ишла-

**ISHONCH**  
**МУАССИС:**  
**Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир**  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
**Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Мамура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.**  
**E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
**Котибият 56-52-78;**  
**Хатлар бўлими 56-85-43;**  
**Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган**  
 Босишга топшириш вақти - 21.00  
 Топширилди - 01.00

**Маънавият:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. **Нашр кўрсаткичи:** 133; 134  
 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.  
 IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотува эркин нархда.  
**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.**  
**Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**